

## Аслида закат Исломда борми?

20:09 / 27.04.2016 3734

САВОЛ: Кўпчилик тез-тез бизда рус тилидан олинган ва «закат» деб аталган нарса ҳақида сўраб туради. Аслида закат Исломда борми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аслида ўша «закат» бизнинг тилимизда байъбоши деб номланади. Яъни, савдонинг аввалида-бошида бериладиган нарса.

Араб тилида бу нарса «урбун» ёки «урбон» ибораларидан бири билан ифода қилинади. Бу ҳақда Қувайт давлати Вақф ва Исломий ишлари вазирлиги томонидан нашр этилган «Фикҳ мавсуъаси» китобида жумладан қуйидагилар ёзилган:

«Фикҳ истилоҳида «урбун» савдо молини сотиб олган шахс сотувчига савдо молини сотиб олса, баҳога қўшиш, сотиб олмаса сотувчига қолиб кетиш шarti ила бир дирҳам ёки ундан кўпни беришидир.

Фақиҳлар бу каби савдо ҳақида ихтилоф қилганлар: уларнинг жумҳури-ҳанафийлар, моликийлар, шофеъийлар ва ҳанбалийлардан Абул Хаттоб уни тўғримас деб биладилар. Бу қавл Ибн Аббос ва Ҳа-сандан ҳам ривоят қилинган.

Чунки Амр ибн Шуъайб, отаси ва бобосидан қилинган ривоятда «Набий алайҳис-салом урбондан қайтардилар» дейилган.

Чунки бу иш одамлар молини ботилдан ейиш жумласига киради. Унда ноаниқлик бор. Унда икки фосид шарт бор: урбунга ҳибани шарт қилиш ва рози бўлмаса сотилган нарсани қайтариб бериш шarti.

Яна бунда сотувчига эвазсиз нарса бериш шarti ҳам бор.

Агар харидор сотувчига бир дирҳам бериб, бу нарсани мендан бошқага сотма, агар мен уни сендан сотиб олмасам, ушбу дирҳам сеники бўлади деса:

- Агар уни кейин баҳолашиб сотиб олса ва мазкур дирҳамни баҳога қўшса дуруст бўлади. Чунки бу савдо бузувчи шартдан холи бўлди.

- Агар харидор молни сотиб олмайдиган бўлса, сотувчи дирҳамни олиши дуруст эмас. Чунки уни эвазсиз олган бўлади».

Келтирилган матнлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, савдо пайтида байъбоши(закат) бериш тўғри эмас. Унинг ўрнига ёзма ёки оғзаки шартнома қилиш керак бўлади.

Мабодо байъбоши бериш йўлга қўйилган бўлса, нотўғри иш қўшилган ҳолда савдо бўлаверади. Аммо харидор айниб қолган тақдирда сотувчи

байъбошини қайтариб бериши лозим бўлади. Валлоҳу аълам.